

МАТОНАТ ВА ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

Пойтахтимизнинг Олмасор туманида жойлашган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси баҳорий тароват қўйнида. Ён-атроф яшиллик ва гул-чечакларга бурканган. Кўзда чарх урган қалдирғочларнинг қанотлари қуёш нурида ял-ял ёнади, капалаклар, боларилар гуллардан-гулларга қўнади. Юртимизнинг турли ҳудудларидан, хорижий давлатлардан бу ерга зиёратга келаётган кексаю ёшнинг қадами узилмайти. Уларга тажрибали гидлар боғ ҳақида, бу ерда жойлашган музей ва унинг экспонатлари тўғрисида атроф-лича маълумот беради.

Мажмуа ҳудудида одам ўзини ўша машғум уруш даврига кириб қолгандек ҳис этади. Гўё воқеалар кўз ўнгин-гизда намоён бўлади. Бу ерда Иккинчи жаҳон уруши даврига оид қирувчи самолётлар, танк ва артиллерия ас-ҳалари, урушга сафарбар қилинган аскарларни жанг май-донига етказган вагонлар, ҳаво мавжларида янграётган мусиқа садолари беихтиёр қалбларни ҳаяжонга сола-ди. Мажмуада ҳарбий техникалар майдончалари, те-мир йўл вокзали, фронт орти худудини кўздан ке-чирар экансиз, халқимиз қандай оғир синовлар-дан мардонатор ўтганига, Иккинчи жаҳон уру-шида ғалабага бекиёс ҳисса қўшганига яна бир бор амин бўласиз.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни



Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРГА ТУТАШ БУНЁДКОРЛИК

Табийй географик жиҳатдан қуйи Амударё бўйлари, Хоразм воҳаси дея айталадиган ҳудудда, неча асрларки, ўзбек, қорақалпоқ, туркман халқлари дўст, биродар бўлиб яшаб келишмоқда ва ҳудуд тараққиётида уларнинг ўзига хос ўрни бор. Шу боис аҳил, иноқ миллатларнинг нафақат тарихи, балки бугуни ва келажаги ҳам ҳамжиҳатликка асосланган.

Муносабат

Айниқса, қуйи Амударёнинг ҳар иккала соҳилида жойлаш- ган қадимий Хоразм давлат- чилигига оид қалъалар ҳудуд- да яшаётган халқларимизнинг фахру ифтихор рамзидир. Минг йил олдин ушбу ҳудуд- да ташкил топган дунёда ягона Маъмун академияси ҳам илм-фан ривожидagi асосий марказлардан бири. Жаҳон олимларининг эътироф эти- шича, “Дорул ҳикма” номи- ни олган маъмур илмий муасс- са нафақат ўз минтақаси, балки бутун дунё учун аксе- лератор вазифасини ўтаган. Ушбу даргоҳда Беруний, Ибн Сино, Абу Мансур ибн Ироқ, Абу Саҳл Масъумий, Абул Ҳайр ибн Ҳаммор, Абу Мансур ас- Салобий, Абу Али ибн Мис- ковайх каби кўплаб фан на- мояндалари илмий тадқиқот- лар олиб боришгани фикри- миз тасдиғи.

Шу боис давлатимиз раҳбари 1-2 май кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида айнан Хива шаҳ- рида Маъмун академияси ёнидаги хиёбонда Хоразм мутафаккирлари ва олимла- рига бағишлаб очиқ осмон остидаги музей барпо эти- лиши билан боғлиқ вазифа- ларга тўхталиб ўтди. Бу лойиҳа дунё олимлари ва сайёҳларнинг аллоамалари- миз ҳаёти, ютуқлари, қол- дирган илмий мероси ҳақида интерфаол тарзда бир неча тилларда маъ- лумотлар олишига хизмат қилади. Ушбу музейнинг Маъмун академияси ёнида барпо этилиши сайёҳ ва олимлар учун мазийдаги

Маъмун академияси, унинг бугунги фаолияти ва ака- демия лабораторияларида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари билан яқиндан танишишга, қола- верса, ҳамкорликка катта имкон яратди.

Шунингдек, Маъмун ака- демияси очилишидан икки юз йил олдин Бағдоддаги “Байтул ҳикма” академияси- га раҳбарлик қилган, мате- матика ва астрономия фан- ларида чуқур из қолдирган, ўзининг оламшумул кашфи- ётлари билан дунё илми та- раққиётга бекиёс ҳисса қўшган буюк ватандошимиз номи билан аталган Ал-Хо- размий университетига ва мактабининг ташкил этили- ши ҳам ёшлар учун учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда жуда катта имко- ният, десак, муболага бўлмайди.

Ушбу мактаб ва универ- ситетда тахсил оладиган, то- мирларида Ал-Хоразмийнинг қони оқиб турган ўзбекис- тонлик ўқувчи ва талабалар АКТ, сунъий интеллект, ма- тематика каби фанларни чу- қур ўзлаштиради. Ўйлайми- зки, Президентимизнинг ёшларга кўрсатаётган бун- дай ғамхўрлиги келажақда, албатта, улар орасидан Но- бель ва бошқа нуфузли халқаро мукофотлар соҳи- блари етишиб чиқишига асос бўлади.

2700 — 3000 йиллик та- рихга эга Ўзбекистонда буг- унги кунда сайёҳларнинг қизиқиши кундан-кунга ор- ти бормоқда. Чунки бу за- мин илм, маданият, меъ- морчилик, қолаверса, меҳ- мондўстлик борасида бош- қалардан алоҳида ажралиб туради.



Бу ерда бир гуруҳ ҳарбий фахрий- лар ёшлар билан суҳбатлашётган экан. Ўзимизни таништириб, улардан бирини суҳ- батга тортдик: — Ҳарбийлик касбини танлаганимга 40 йил бўлди, — дейди Мудофаа вазирлиги фахрийси, истеъфодаги полковник Раҳматулла Тошхўжаев. — Шундан буён Ватан хизматидамиз. Ҳозирги кунда ушбу ёдгорлик мажмуасида тез-тез бўлиб, ёшларга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизнинг жасоратлари ҳақида гапириб берамиз. Улар ўша даврга оид музей экспонатларини, қурол-аслаҳаларни кўздан кечиради, бугунги тинч ва фаровон замонга етгунча не-не



инсонлар ўз жонларини фидо этгани ҳақидаги ҳуж- жатли фильмларни томоша қилади. Бу ёшларни тинч- ликни қадрлашга ўргатади.

Дарҳақиқат, Ғалаба боғи Ўзбекистон халқининг жанг майдонларида ва фронт ортида кўрсатган улкан жасо- рати, матонати шарафига барпо этилган ўзига хос ёдгорлиқдир.

“Нуроний” жамғармасининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Калон- нови ҳам шу ерда учратдик.

— Биз болалиқдан шу ерларда ўйнаб катта бўлганимиз, — дейди сенатор. — Юнусобод тума- ни ҳудудида шўро тузуми даврида “Ғала- ба боғи” деб аталган бир жой бўларди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДАХЛДОРЛИК ВА МАСЪУЛИК — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис аввалида Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеалар ҳақида тўхталди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 1-2 май кунлари Хоразм вилоятига ташрифи, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти билан танишиб, фуқаролар билан мулоқотда бўлганига эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари тарих ва бугун- ни уйғунлаштирган, меъморий ечими билан ноёб лойиҳа бўлган “Арда Хива” мажмуаси билан танишгани, ушбу маж- муа ҳудудга сайёҳларни янада кенг жалб этишга хизмат қилиб, вилоятнинг иккинчи “ташриф қоғози”га айланиши таъкидланди.

Шунингдек, Спикер 2 май куни Ур- ганч туманида Хоразм вилоятини иқти- содий-ижтимоий ривожлантириш бўйи- ча устувор вазифалар муҳомадаси юза- сидан ўтказилган йиғилиш, унда бил- дирилган тақлифлар ҳусусида тўхталиб, Хоразмдан сайланган парламент вакил- лари ҳам вазифалар ижроси жараёни- рда фаол иштирок этиши лозимлиги- га уруғ берди.

Айни кунларда юртимизда уюшти- ряётган муҳим сиёсий тадбир — фуқ- аролар йиғинлари (махаллалар) раисла- ри сайловлари ҳақида ҳам фикр бил- дирилиб, мазкур сайловлар янгича де- мократик тамойиллар ҳамда очилиқ ва ошкоралик асосида ўтаётгани, маҳалла раисларининг ваколат муддати 5 йил

этиб белгилангани, кейинги йилларда маҳаллаларга кўплаб ваколатлар берил- гани алоҳида урғуланди.

Қонунчилик палатасининг Регламен- тига мувофиқ шу йилнинг 23 — 26 ап- рель кунлари депутатлар ўз сайлов ок- ругларида бўлиб, аҳоли билан мулоқот қилгани, учрашувларда сайловчилар то- монидан жойлардаги долзарб муаммо- лар юзасидан қатор масалалар кўтарил- гани таъкидланди. Шундан келиб чиқиб сиёсий партиялар фракциялари сайлов- чилар кўтарган масалаларга ҳуқуқий ечим топиш чораларини кўришлари, пар- ламент назорати тадбирларини ўтказиш ташаббуслари билан чиқишлари мақсад- га мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Мажлисда Ҳисоб палатасининг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, шунингдек, аҳолини ва ҳудуд- ларни фаёлулодда вазиятлардан муҳо- фаза қилишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, қонун ижодкорлиги ва парламент назорати самарадорлигини оширишга доир қатор қонун лойиҳала- ри қўриб чиқилди.



ЎзЛиДеП ва ЎзМТДП фракцияларидан иборат «Тараққиёт блоки» ташкил этилди

Мажлисда “Тадбиркорлар ва ишбилар- монлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал- демократик партияси ва “Миллий тикла- ниш” демократик партияси фракцияла- рининг “Тараққиёт блоки”ни ташкил этиш тўғрисидаги баёноти ҳақида”ги масала атрофлича кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, куни кеча ЎзЛиДеП ва ЎзМТДП фракциялари “Тараққиёт блоки”ни тузиш юзасидан битим имзолаган эди. Ушбу блок 93 на- фар депутати билраштириб, парламент- даги кўпчилиكنи ташкил этади ва етак- чи сиёсий кучга айланади.

“Тараққиёт блоки” Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида қисқа даврда мамлакатимизда тадбиркорлик- ни қўллаб-қувватлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва камбағаллиكنи қисқартириш, очик- лик сиёсатини юритиш, мамлакат иқти- содиёти ва халқаро нуфузини кўтариш йўналишларида тарихий ислохотлар амалга оширилганини эътироф қилган ҳолда бу борадаги ишларни изчил ва қатъий давом эттириш мамлакатни юк- салтиришининг ягона тўғри йўли, деб ҳисоблайди.

МУҲОКАМА МАРКАЗИДА — ҲАМКОРЛИК ҚАМРОВИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Польша Республикаси Сенати Раисининг ўринбосари Михал Каминский билан учрашди.

Мулоқот

Унда Ўзбекистон — Польша муносабатлари- нинг бугунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари, шу жумла- дан, парламентларо ҳамкорлиқни кенгайтириб, янги мазмун билан бойитиш, қонун ижодкор- лиги ва парламент назо- рати йўналишида ўзаро тажриба алмашишни фаоллаштириш масала- лари муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида Ўзбе- кистон ва Польша ўрта- сидаги парламентларо алоқалар изчил ривожла- ниб бораётгани мамну- ният билан қайд этилди. Икки мамлакат қонун чи- қарувчи органлари ўрта- сида устувор йўналиш- ларда ҳамкорлиқни яна- да чуқурлаштиришдан то- монлар манфаатдор эка- ни таъкидланди. Пар- ламентлардаги дўстлик гуруҳларининг фаолиятига, шунингдек, икки томонла-

ма муносабатларни мус- таҳкамлашнинг муҳим во- ситаси сифатида делега- цияларнинг мунтазам ташрифлари алмашину- вига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, олий таълим, маданият, ту- ризм, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалиги каби со- ҳалардаги ҳамкорлиқнинг мустаҳкам икки томонла- ма асосларини шакл- лантириш масалалари юзасидан фикр алмашил- ди. Томонлар талабалар тажриба алмашинуви, му- тахассислар малакасини ошириш, икки давлат ўртасида гуманитар ало- қаларни мустаҳкамлашга қаратилган қўшма таълим дастурлари ва лойиҳа- ларни йўлга қўйиш имко- ниятларини ҳам муҳокама қилди.

Учрашув якунлари бўйи- ча парламентларо ало- қаларни мунтазам равиш- да давом эттиришга кели- шиб олинди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов Польша Республикаси Сенати Раиси ўринбосари М. Каминскийни қабул қилди.

Учрашув аввалида меҳмонларга янги тахрирдаги Конституция ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Қонунчилик палатасининг таркибий тузилиши, унинг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Учрашув

Ўз навбатида, М. Ка- минский мулоқот учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда турли соҳа- ларда эришилаётган му- ваффақиятларни алоҳида эътироф этди.

“Ўзбекистонда давла- тингиз раҳбари ташаб- буси билан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар эътиборимиз маркази- да. Мамлакатингиз яқин йилларда дунёнинг ри- вожланган, марказий давлатларидан бирига айланишига шахсан мен ишонаман. Айниқса, парламентларо муно- сабатларда мамлакат- ларимизнинг халқаро

майдондаги ўрни тобо- ра мустаҳкамланаётган- ни қувонарли ҳол”, деди М. Каминский.

Сенат Раиси ўринбо- сари мулоқотда нафақат парламентларо муно- сабатлар, балки Польша Ўзбекистон билан бар- ча соҳада ҳамкорлик алоқаларини ривож- лантиришдан манфаат- дор эканини таъкидлаб, бунинг учун ҳуқуқий асослар мавжудлигини қайд этди.

Томонлар бўлиб ўтган музокараларни самарали деб баҳолаб, парламен- тларо ҳамкорлиқни яна- да ривожлантириш иста- гини билдирди.

Учрашув дўстона ва конструктив руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».



ЎЗБЕКИСТОН МАЙИЗИ МИЛЛИЙ БРЕНДАГА АЙЛАНМОҚДА

Кейинги йилларда ташқи бозорда ўзбек майизига бўлган талаб тобора ортмоқда. Ўзбекистон экспорт- тушумида сархил мевалар ичида узум энг асосий ўринни эгаллагани каби майиз ҳам қуруқ мевалар орасида худди шундай харидориги маҳсулотга айланди. Буни Миллий статистика қўмитаси маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Унда келтирилишича, 2024 йилнинг январь ойида қиймати 5,7 млн. АҚШ доллариллик 4,2 минг тонна майиз экспорт қилинган бўлса, ушбу кўрсаткич 2025 йилнинг шу даврида салкам икки баробарга ортди: хорижлик буюртмачиларга 9,3 млн. долларлик 7,7 минг тонна юқори сифатли майиз етказиб берилди.

Фармон ва ижро

Кўрсаткич 2020 йилдагиси билан қиёсланганда 11,5 минг тоннага кўпдир. Шубҳасиз, бу юртимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари- нинг миллий брендини яратиш ор-

қали экспорт ҳажми ва география- сини кенгайтиришга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар самара- сидир. Натижада сифат кўрсаткич- лари юқори бўлган ўзбек майиз- лари дунёнинг ўнлаб мамлакатла- рида сотилмоқда. Йирик импор- тчилар орасида жаҳон қуритилган мева бозорида етакчи ҳисоблан- ган Хитой, Туркия каби давлатла- рнинг борлиги, айниқса, қувонар- лидир.



Тўйимли ва шифобахш

Қишлоқ хўжалигига инновациялар жадал кириб келиши туфайли мева- ларни сархил сақлаш, сифатли етқа- зиб бериш имконияти кун сайин ке- нгайиб бораётгани рост. Узоққа бормай- лик, мамлакатимизда узум маҳсулот- лари сақландиган замонавий омборлар сони 1 951 та.



Ифтихор

ХОРАЗМНИНГ ҲАЙРАТЛАРИ

Хоразми ҳаё қилсам, ҳаёлим ҳам зиёлангай,
Дил титратиб само узра ифтихорим садолангай,
Чунки олам кўз ўнгида ҳур миллатим сафолангай,
Хоразмининг ўлалари муҳаббатдек навобахшир,
Хоразмнинг ҳайратлари Хоразмдек ҳаётбахшир.

Парвардигор назар қилса, ўз қудратин қалқон қилгай,
Баракасин боқий этиб, элу юртини омон қилгай,
Халқ бирлигин барқарор-у, доврўғни дoston қилгай,
Шу бирлиқнинг қадим қадри умидбахшир, муродбахшир,
Хоразмнинг ҳайратлари Хоразмдек ҳаётбахшир.

Буюқларнинг бешигини тебратган ҳам Хоразмдир,
Илму ҳикмат нурларини таратган ҳам Хоразмдир,
Муҳаммад ал-Хоразмий ҳам ким Берунийдек азимдир,
Жалолддин Мангуберди номин ўзи назоиббахшир,
Хоразмнинг ҳайратлари Хоразмдек ҳаётбахшир.

Хоразмда ушбу қушлар қадамингда ҳавас порлар,
“Ичан қалъа” — тирик тарих, ўз бағрига ҳар дам чорлар,
“Арда Хава” — “Боқий Хива” келиб кўрсин вақти борлар,
Янги “таширф қоғози”дир, хуш ниятга қушодбахшир,
Хоразмнинг ҳайратлари Хоразмдек ҳаётбахшир.

Бу диёрнинг аёллари табиатнинг туморидир,
Ойимжондек онахонлар яратилишнинг хуморидир,
Гулозр ичра ўзи гулдир, ҳар кўчати гулгирдир,
Бу эҳтиром, бу муқофот ҳаюлликка саботбахшир,
Хоразмнинг ҳайратлари Хоразмдек ҳаётбахшир.

Кат ерида бунёдкорлик туризмнинг тахти бўлгай,
Янги меҳмон азалдан ҳам мезбонининг бахти бўлгай,
Бор оламини чорламоқлик Хива аҳли аҳди бўлгай,
Хуш “лазиз”си яйратганда ҳам жисм, ҳам дилга нақидир,
Хоразмнинг ҳайратлари Хоразмдек ҳаётбахшир.

Ҳар оила қўл кўксиди, бағрин очиб кўнқот тутар,
Кўҳна тарих, янги замон бекатида чироқ тутар,
Ҳам Марказий Осиёнинг қадри учун байроқ тутар,
“Буюк алломалар” боғи миллат учун савооббахшир,
Хоразмнинг ҳайратлари Хоразмдек ҳаётбахшир.

Ҳақ таоло ўзи қўллаб, тақдирини пайванд қилган,
Амударё соҳилларин муқаддас бир Ватан билан,
Ўғуз билан қорақалпоқ азалдан дўст, қардош бўлган,
Оғаҳий ҳам Бердақдайин боболари баётбахшир,
Хоразмнинг ҳайратлари Хоразмдек ҳаётбахшир.

Элликқалъа оғушида, Аёзқалъа, Тупроққалъа,
Кўрмай туриб, аё дўстим, зиңдор-зиңдор қумлоқ дема,
Ақчақўлга лангар ташлаб, саёҳатга чорлар кема,
“Султон Увайё” қадамжосин зйрат қил, зиёбахшир,
Бу диёрлар ҳайратлари ўзларидек ҳаётбахшир,

Дунё нотинч, зорланган кўп, тинчлик учун шукр керак,
Бу имконлар кўкдан тушмас, одамзотга фикр керак,
Десам Янги Ўзбекистон — кўксим узра чаклар юрак,
Хоразм — бу қўқода сузган тўлин ойидир, мисли шамсидир,
Юртбошимиз ниятидек ҳаётбахшир, ҳаётбахшир!

Маҳмуд ТОИР,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Ўзбекистон халқ шоири.

ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРГА ТУТАШ БУНЁДКОРЛИК

Зеро, барча даврларнинг энг таниқли саёҳатчиси, куруқлик ва денгиз орқали 75 000 мил (120 минг км.) масофани босиб ўтган буюк Илм Баттута “Дунёдаги ҳеч бир ўлкада Хоразмдагидек олийжаноб, маърифатпарвар, хунарманд, меҳмондўст ва бўзал элни кўрмадим”, деб беғиз айтмаган эди.

Шулардан келиб чиқиб Қорақалпоғистон ва Хоразм худудидаги қадимий қалъалар фақат тарихга оид меъморий обидалар бўлибгина қолмай, мамлакатимиз таракқиётида муҳим ўрин тутувчи туризм истиқболи учун ҳам катта аҳамият касб этади. Шу боис давлатимиз раҳбари ташриф чоғида туризм билан боғлиқ устувор вазифаларга кенг тўхталиб ўтди. Амударёнинг ҳар иккала соҳилидаги Хоразм давлатчилигига оид қалъалар бўйлаб туризм йўналиши ташкил қилиш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Президент ўз нутқида Хоразм ва Қорақалпоғистон худудидаги 8 та қадимий қалъа (Қипчқ қалъа, Катқалъа, Аяз-Қалъа ҳамда Тупроққалъа археологик ёдгорликлари), Султон Увайё макбараси, Аҳчақўлни ўзаро боғловчи тўрт кунлик “Қалъа тур” маршрутун ишлаб чиқилишини, ушбу қалъалар атрофида мастер-режа асосида хизмат кўрсатиш объектиларини ишга туширилишини айтиб, бунинг халқлар ўртасидаги дўстлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Маълумки, Хоразмга келган сайёҳ, албатта, Қорақал-

поғистон худудидаги қадимий қалъалар, Нукус шаҳридаги муқташам И. В. Савицкий номидаги давлат санъат музейи, Оролбўйидаги Мўйноқ табиат музейига ҳам боришни хоҳлайди. Табиийки, бу истакни тўлақоли амалга ошириш инфратузилмага боғлиқ. Бунда мазкур йўналиш бўйлаб транспорт йўлагини қуриш, унинг ободлигини, замонавийлигини таъминлаш лозим. Бу эса фақат туристлар эмас, шу худудда яшовчи халқлар учун ҳам яратиладиган имконият ва шароитдир. Яъни бундай туризм инфратузилмасига асос солиш ўзига хос сервисларни ҳам таъможо қилади, кўллаб соҳаларни бир-бирига боғлайдиган истиқболли ташаббусдир.

Шу боис Қорақалпоғистон ва Хоразмнинг боғлаб турган транспорт йўли Президент нутқида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Қорақалпоғистондан Хоразмга келадиган йўл сифати ёмонлиги боис йилга 300 — 400 минг турист жалб қилиш имконияти қўлдан бой берилаятгани айтилди. Масъуларга Урганч — Гуллан — Манғит йўлини реконструкция қилиш бўйича Европа тикланиши ва тараққиёт банки билан музокара ўтказиш вазифаси топширилди.

Икки кунлик ташриф, унда кўтарилган долзарб масалалар, истиқболли соҳалардан бири бўлган туризмга алоҳида эътибор қаратилиши давлат раҳбарининг воҳа халқларига кўрсатаётган алоҳида эътибори ифодасидир.

Иқром АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм Мазмун академияси раиси,
б.ф.д., профессор.

ДАХЛДОРЛИК ВА МАСЪУЛИК — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ

Мажлисида “Тараққиёт блоки”нинг устувор фаолият йўналишлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

Иккита партия фракцияси раҳбарлари мазкур масала юзасидан ўз муносабатини билдирди. Жумладан, **ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Актам Ҳайтов** бу бирлашув — мамлакатимиз сиёсий ҳаётида, айниқса, парламент фаолиятида мустаҳкам ҳамкорликни таъминлаш, барқарор ва самарали қонун ижодкорлиги фаолиятида янги саҳифа очадиган муҳим қадам эканига уруғ берди. Фракция раҳбари парламентда кўпчиликни ташкил этган ҳар иккала фракция партияларнинг дастурий вазифалари, сиёсий гоёлари яқинлигидан келиб чиққан ҳолда “Тараққиёт блоки” тузганини таъкидлади. Мазкур блок доирасида халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўйбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айлانган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, ҳавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, уни амалга оширишга қаратилган ҳукумат

лари тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Таъкидланганидек, Ҳисоб палатаси ўз фаолиятини давлатнинг мустақил ва ҳолис аудит органи сифатида халқаро стандартлар асосида амалга оширмоқда. Жумладан, самарадорлик, мувофиқлик, молиявий, стратегик ва ахборот технологиялари (IT) аудитлари бўйича стандартлар ва қўлланмалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган.

“Масофавий аудит” автоматлаштирилган ахборот тизими жорий қилиниб, унга 37 та вазирлик ва идоранинг маълумотлар базалари интеграцияланди. Тизимда 28 та ҳавф таҳлил механизми, 447 та модуль ишга туширилди. Жумладан, ахборот тизими орқали қўнунга зид бўлган давлат харидлари буюртмалари ва тўловларини онлайн тўхтатиш модули яратилди.

Мажлисида депутатлар Ҳисоб палатасининг давлат молиявий назоратини рақамлаштириш, замонавий аудит ва назорат усулларини татбиқ қилиш йўналишидаги фаолиятини алоҳида эътироф этдилар.

Халқ вакиллари жами 5,4 трлн. сўмлик давлат харидларини ва амалдаги бошқа талабларни бузиш ҳолатларига йўл қўйилганини, давлат харидларининг тўғридан-тўғри тузилган шартномалар (56,8 фоиз) асосида амалга оши-

нишларда қатор қонунбузилишларнинг аниқланганлигига эътибор қаратди. Хусусан, олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган айрим ўқитувчиларга аслида академик даража бериш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳамда халқаро тан олинмаган хусусий ўқув марказларидан олган сертификатлари асосида бюджетдан қўшимча устамалар тўланганлиги ва натижада бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфлангани ҳолатларига эътибор қаратди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзолари Ҳисоб палатаси томонидан ўрганишлар жараёнида ижтимоий соҳада аниқланган камчилик ва қонунбузилишларни бар- тараф этиш учун ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишларни тизимли олиб бориш лозимлиги, шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасаларини тиббий ус- куналар билан таъминлаш учун ажратилаётган маблағлардан мақ- садли ва самарали фойдаланили- шига алоҳида эътибор қаратиш за- рурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга қулай яшаш шароитларини яратиш, аҳолининг ҳаёт даражасини ва си- фатини ошириш мақсадида Аҳоли- ни тадбиркорликка жалб қилиш жағмармасидан енгил конструкция- ли иссиқхона ўрнатиш, сугориш воситаси ва уруғликлар, қўчатлар сотиб олишга ажратилаётган суб- сидиялар бўйича аниқланган ти- зимли хато ва камчиликларга ало- ҳида эътибор қаратиб, уларни бар- тараф этиш бўйича ишлаб чиқил- ган чора-тадбирлар доимий назо- ратга олиншини таъкидлади.

Ўзбекистон Экологик пар- тияси фракцияси аъзолари ҳисо- ботда келтирилган давлат субси- дия маблағларининг мақсадли сарфланшида йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳамда самарасиз харажатлар, жумладан, томчилатиб сугориш тизими ишламаганлиги сабабли ушбу тизим жорий этил- ган майдонларда экилган қўчатлар қуриб қолгани ёки умуман экил- магани, ер майдонини ошириб кўрсатиш ҳисобига субсидия ма- блағлари ортқича сарфлангани ва уларнинг олдини олишга эътибор- ни кучайтиришни тақлиф этди.

Барча сиёсий партиялар фрак- цияларининг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи маъқул- ланди.

Билдирилган тақлифлар ва фикр-мулоҳазаларни инобатга ол- ган ҳолда қўйи палата Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботиға ўз муносабатларини билдирди.

Хусусан, **Тадбиркорлар ва иш- билармонлар ҳаракати — Ўзбе- кистон Либерал-демократик партияси** фракцияси аъзолари кейинги йилларда юртимиз фуқароларида давлат маблағларининг қандай сарфланаётганлигига нис- батан бефарқлик ҳисси йўқолиб, давлат харидлари устидан жамо- атчилик назорати кучайиб бораёт- ганини эътироф этди. Айни соғла- давлат харидларини тартибга со- лиш мақсадида “Давлат харидла- ри” тўғрисида”ги, “Рақобат тўғри- сида”ги ҳамда “Манфаатлар тўқна- шуви тўғрисида”ги қонунларнинг тақомиллаштирилганига қарамас- дан 2024 йилда буюртмачилар то- монидан рақобатсиз усулдан фой- даланган ҳолда тўғридан-тўғри ту- зилган шартномаларнинг улуши оқорилигича қолаётгани таъ- кидлаб ўтилди.

Ўзбекистон “Миллий тикла- ниш” демократик партияси фракцияси аъзолари Ҳисоб пала- таси томонидан таълим соҳасида бюджет маблағларининг сарфла- ниши юзасидан ўтказилган ўрга-



Муҳолифат ҳуқуқларини кенгайтириш масаласи баҳсларга сабаб бўлди

Мажлисида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — “Ўзбекистон Республикасининг ай- рим қонун ҳужжатларига пар- ламентдаги муҳолифатнинг қа- фолланган ҳуқуқларини кенгай- тиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”- ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон та- раққиётининг ҳозирги босқичида Олий Мажлис Қонунчилик палата- сида рақобат, баҳс ва мунозара- ларни кенгайтириш мақсадида оид талабларни қайта қўриб чиқиш за- рурати юзага келмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасида Ўзе- кистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзини пар- ламентдаги муҳолифат, деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси- га қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилгунига қадар ўша ма- салага доир қонун лойиҳасининг, шунингдек, Олий Мажлис Қонун- чилик палатаси қарори лойиҳаси- нинг муқобил тахририни киритиш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, лойиҳада Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир нафар қўмити раиси ва икки нафар қўмити раиси ўринбосари лавозимларини кафолатли эгал- лаш, ҳар чоракда “Ҳукумат соати” доирасида ва парламент сўрови- ни юбориш тўғрисида камида бит- та масала киритиш каби қўшимча ҳуқуқлар беришни назарда тутган ўзгаришлар ва қўшимчалар кири- тилмоқда.

Муҳокама давомида ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Сайдулло Ази- мов, “Миллий тикланиш” демок- ратик партияси фракцияси аъзо- си Қозимжон Тожиёв ва бошқа де- путатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти ва заруратиға алоҳида тўхталиб, унда назарда тутилаёт- ган айрим нормалар бўйича аниқ- лаштирувчи саволлар берди. Лойиҳа матнини янада тақомил- лаштириш, пишик-пухта ҳолатга келтириш юзасидан конструктив- фикрлар ва асосли тақлифлар билдирилди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

“Электрон ҳукумат”:
Ўзбекистон
рейтингини
яхшилаш чоралари

Депутатлар Рақамли технология- лар вазири Ш. Шерматовга “БМТнинг “Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси”да Ўзе- кистон Республикасининг рейтин- ги яхшилаш бўйича қўрилаётган чоралар тўғрисида” Қонунчи- лик палатасининг парламент сўрови- ни юбориш ҳақидаги масалани қўриб қиди.

Таъкидланганидек, БМТнинг “Электрон ҳукуматни ривожланти- риш индекси” жаҳон мамлаката- рида ахборот жамияти қанчалик тараққий этаётганини белгилаб бериувчи асосий кўрсаткичлардан бири саналади. Унинг аҳамиятли жиҳати, аҳоли ва давлат ўртасида электрон мулоқотни кенгайтириш, хизматларни қулайлаштириш,

мамлакатнинг инвестициявий жо- зибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, давлат идо- ралари томонидан фуқаролар ва тадбиркорлардан жами 73 та ҳуж- жат ҳамда маълумотномани талаб этиш амалиёти бекор қилинди. Бу- нинг натижасида сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг 193 давлат ора- сида ўрни изчил кўтарилиб, 2022 йилда 69-поғонадан жой ол- ган бўлса, 2024 йилги натижалар- га кўра яна 6 поғонага кўтарилиб 63-ўринни эгаллади. “Электрон ҳукуматни ривожланиш индекси” эса 0,79 ни ташкил этди. Илк ма- ротаба Ўзбекистон бандан элект- рон ҳукуматни ривожлантириш ин- декси гуруҳи (High EGI)дан жуда бандан (Very High EGI) гуруҳига қўшилди.

Ўзбекистон электрон ҳукумат соҳасида сезиларли ютуқларга эришган бўлса-да, рақамли инк- люзия, очик маълумотлар сиёса- ти ва фуқароларнинг фаол ишти- роки каби йўналишларда айрим муаммолар мавжуд. Жумладан, “Электрон ҳукумат” тизими идо- раларо интеграциялашув плат- формаси доирасида ҳужжатлар- нинг унификацияланган рақамли сервисларини жорий этиш ҳолати кечикмоқда.

Мажлисида шундан келиб чиқиб “Электрон ҳукуматни ривожланти- риш индекси”да Ўзбекистоннинг кўрсаткичларини яхшилаш, мамла- катда электрон ҳукумат тизимини янада самарали ташкил этиш, ушбу рейтингда “ТОП — 30” та- ликка кириш, Электрон ҳукумат соҳасида қонунчилик базасини та- қомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан асосланган тўшунтиришлар бериш ҳақида Рақамли техноло- гиялар вазири Ш. Шерматовга парламент сўрови юборилди.

Соғлиқни сақлаш вазирига парламент сўрови юборилди

Депутатлар Соғлиқни сақлаш вазири А. Худоевровга “Аҳоли ора- сида онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисида” Қонун- чилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги маса- лани қўриб қиди.

Кейинги йилларда аҳоли ўрта- сида онкологик касалликларнинг олдини олиш, уларни эрта аниқ- лаш, ушбу касалликларнинг кечки босқичларида ва иختисослашти- рилган равишда даволаб бўлмай- диган, ўтказиб юборилган шакл- ларида беморларга малакали тиббий ва психологик ёрдам кўрсатишни тақомиллаштириш борасида изчил ислохотлар амал- га оширилмоқда.

Аммо депутатлар томонидан со- ҳани тартибга солишга доир қонунлар ва бошқа норматив- ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро эти- лиши ҳолати назорат-таҳлил тар- тибида ўрганилганида, эришилган ютуқлар билан бирга ечимини ку- таятган айрим масалалар ҳам бор- лиги аниқланди. Масалан, бугун- ги кунда онкологик касалликлар- нинг 40 — 45 фоизи кечикиб аниқ- ланмоқда. Беш йиллик яшаш кўрсаткичлари атиги 40 фоизни ташкил этапти. Бир йиллик ўлим кўрсаткичлари эса юқорилигича қолмоқда.

Мажлисида юқоридагилардан келиб чиқиб бирламчи тиббий- санитария ёрдами тизимида аҳоли орасида онкологик касал- ликларни эрта аниқлаш, билрам- чи ва иккиламчи профилактика- ни ташкил этиш борасидаги иш- ларни яхшилаш, худудлараро хоспислар фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш бўйича амалга оши- рилаётган ишлар юзасидан асос- лантирилган тўшунтиришлар бе- риш ҳақида Соғлиқни сақлаш ва- зирига парламент сўрови юбо- рилди.

«Халқ сўзи».

Президентнинг тегишли қарори билан ҳар йилнинг ноябрь ойи «Кибермаданиятни юксалтириш ойлиги» деб эълон қилинди.

ТЕРАКЛИДАГИ МЕХР МАНЗИЛЛАРИ

Қалбга илиқлик олиб кирувчи, меҳр билан узатилган ҳар қандай кўмак инсон ҳаётига нур, ёруғ кунларга қатъий ишонч бахш этади. Бундай эзгу мақсад йўлида жон куйдираётган юртдошларимиздан бири “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходими Муниса Абдуллаевадир.

Ижтимоий кўмак

У хизмат кўрсатаётган Олмалик шаҳридаги Тераки маҳалласида 354 та оилада 1068 киши истиқомат қилади. Бу ерда ҳар бир оилга алоҳида ёндашилмоқда. Айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланганлар, ижтимоий ғимояга муҳтож хонадонлар доимий эътиборда.

— Ҳар бир инсоннинг орзуси, эҳтиёжи бор. Уларни эшитиш, дардига қўлоқ тутиш ва малҳам бўлиш — касбий вазифамиз, — дейди Муниса Абдуллаева. — Ёрдам олган инсоннинг миннатдорлиги, уларнинг чекрасидаги мамнуният юртимизда инсон ва унинг манфаатлари ҳамма нарсадан устун эканини, қучли ижтимоий ғимоя одамлар ҳаётига ёруғлик олиб кираётганини амалда тасдиқлайди.

Маҳаллада кўмакка муҳтож оилаларнинг турмушини яхшилаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир. Масалан, иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган Абдувахоб Миннибоевга протез-ортопедия воситалари харид қилинди. Шунингдек, “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали унга кийим-кечак ва моддий ёрдам ҳам кўрсатилди.

Иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган Шерзод Жуманазаровга ҳам кўмак кўрсатилиб, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан дарс столи билан таъминланди.

Хозирги кунда мазкур маҳаллада яшовчи 7 та оила Ижтимоий реестрга, 2 та оила эса Камбағаллик реестрига киритилган. Дейлик, Ижтимоий реестрдаги оилалар вакили Сафаргул Окбоева учун микротўлқинли печь олиб берилган бўлса, Муяссар Зокировга ҳам худди шундай ускуна етказилди.

Покиза Тоирова ҳам оиласи билан муҳтож ҳолатда бўлган фуқаролардан эди. Унинг фарзандларига дарс столи ва ўйинчоқлар етказилди. Бундан ташқари, унга дори-дармон харажатлари учун моддий ёрдам берилиб, ҳозирда “Бизнесса биринчи қадам” лойиҳаси асосида имтиёзли кредит ажратилмоқда.

— Болаларим учун дарс столи, ўйинчоқлар ажратилгани, камига моддий ёрдам берилганидан жуда қувондик. Эндиликда ўзимиз ҳам ҳаракат қилиб, нафақат ҳаётимизни, балки фарзандларимиз келажагини ҳам ўзгартиришга, яхшилашга интиламиз, — дейди П. Тоирова.

Айни пайтда Олмалик шаҳридаги 52 та маҳаллада ижтимоий хизмат кўрсатувчи 51 нафар ходим фаолият юргизмоқда. Жорий йилда 3 926 нафар фуқаро мурожаати қабул қилиниб, уларнинг 80 фоиздан ортиғига ижобий ечим топилди. Қолган мурожаатлар юзасидан ўрганишлар давом этмоқда.

Отабек ИСРОИЛОВ («Халқ сўзи»).

ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЯТ – ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Шу йилнинг апрель ойи якунида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети делегацияси таълим соҳасидаги халқаро алоқаларни ўрнатиш ва мустақамлаш, тажриба алмашиш, бой маданий меросларимизни тарғиб қилиш мақсадида Аргентина Республикасига хизмат сафари билан борди.

Ҳамкорлик

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори ижроси, хусусан, жорий йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган ЮНЕСКО Бош ассамблеясининг 43-сессиясига тайёр-гарлик доирасида амалга оширилган ушбу сафарда делегация аъзолари ўзбек халқининг бой маданияти, аъаналари ҳамда таълим соҳасидаги самарали ислохотлар натижасида мамлакатимиз эришган ютуқлар билан аргентиналик ҳамкорларни яқиндан таништириш имкониятига эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, учрашувлар доирасида делегациямиз иштирокида Аргентинанинг нуфузли ва етакчи олий таълим муассасалари — Мар дел Плата миллий университети, Буэнос-Айрес университети ва Кордоба миллий университети раҳбар ходимлари билан самимий мулоқотлар ўтказилди. Натижада таълим, илмий тадқиқотлар ҳамда маданий алмашинув бўйича муҳим қилишувларга эришилди.

Жумладан, Мар дел Плата миллий университети билан имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳар икки давлатнинг етакчи университетлари ўртасида талаба, тадқиқотчилар ва профессор-ўқитувчилар алмашувини йўлга қўйиш, қўшма илмий-амалий лойиҳаларни амалга ошириш, биргаликда онлайн ҳамда офлайн



шаклда анжуманлар, вебинарлар ва ўқув курсларини ташкил қилиш, шунингдек, электрон таълим платформаларидан фойдаланиш каби йўналишларда ўзаро манфаатли фаолиятни ўз ичига олади. Бу эса нафақат таълим ҳамда инновацион фаолият йўналишидаги алоқаларни ривожлантириш, балки маданий алмашинув дастурлари бўйича янги имкониятларни тақдим этади.

Шу билан бирга, Буэнос-Айрес университети билан имзоланган икки томонлама шартнома ЎзДЖТунинг халқаро миқёсда обрўсини янада оширишга қаратилган. Мазкур университетнинг фалсафа, тил ва адабиёт факультети билан эришилган қилишув академик мобиллиқни ривожлантириш, қўшма таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва илмий ҳамкорликни кенгайтиришни кўзда tutади. Маълумот учун, мазкур университет жаҳон рейтинглари да нуфузли юзталикдан ўрин олган. Ушбу олий таълим

муассасасида 150 мингга яқин талабалар таҳсил олади.

Мазкур университет битирувчилари қаторида Аргентинанинг 15 Президенти, Нобель мукофотининг 5 нафар соҳибига ҳамда бошқа таниқли инсонлар борлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бу олийгоҳ билан ҳамкорлик ЎзДЖТуда таълим сифатини ошириш, халқаро миқёсдаги глобаллашув жараёнарида фаол иштирок этиш орқали унинг нуфузи янада ортishiга замин бўлиши, шубҳасиз.

Кордоба миллий университетиди бўлиб ўтган учрашув ва бебаҳо мада-

амалга ошириш билан бирга халқаро лойиҳалар ижросини, илмий тадқиқот соҳасидаги ҳамкорлиқни йўлга қўйиш борасида ўзаро қелишувга эришилди. Бундан ташқари, Кордоба миллий университети раҳбарияти томонидан илк босқичда икки ОТМ ўртасида англашув меморандумини имзолаш таклифи илгари сурилди.

Яна бир жиҳат — ЎзДЖТУ делегациясининг Аргентинага ташрифи доирасида барча университетларда “Ўзбекистон: бебаҳо маданий мерос” деб номланган маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Бу Арген-

ҳақидаги видеоролик намойиш этилди. Шунингдек, миллий либослар, сўзана, адрас, ҳунармандчилик намуналари, халқ қолғу асбоблари ва миллий таомлар орқали мамлакатимизнинг бой маданияти кенг тарғиб қилинди. Миллий қўшиқ ва рақсларимиз, дуторда ижро этилган наволар тадбирларга ўзгача шухук бағишлади. Бу эса аргентиналикларни Ўзбекистоннинг ўзига хос аъаналари ва қадриятлари билан яқиндан таништириш имконини берди.

Айтиш керакики, хизмат сафаримиз давомида мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар, ОТМнинг халқаро рейтингларда эришаётган ютуқлари кенг тарғиб қилинаркан, Аргентинадаги нуфузли олийгоҳлар билан ўрнатилган ҳамкорлик нафақат таълим соҳасида, балки халқлар ўртасидаги дўстликни мустақамлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигига асосий урғу берилди. Хусусан, “QS World University Rankings by Subject” рейтингига 251 — 300 ўринни эгаллаб турган ЎзДЖТУ Аргентина университети билан ҳамкорликка тайёрлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ишончимизки, Ўзбекистон ва Аргентина ўртасидаги таълим ва маданий соҳасидаги ҳамкорлиқнинг янги босқичи икки халқ ўртасидаги дўстлик кўпригини янада мустақамлашди. Эришилган қелишувлар талабалар, профессор-ўқитувчилар учун янги имкониятлар эшигини очиб, турли соҳаларда мафбатли алоқаларни ривожлантиришга, Ўзбекистоннинг глобал таълим ва маданий майдонидидаги ўрнини мустақамлашга хизмат қилади.

Илҳомхон ТЎХТАСИНОВ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори.

«ҲАР БИР ДАСТУРХОНГА ХОНБАЛИҚ ЕТКАЗИБ БЕРМОҚЧИМИЗ»

Наманган табиати балиқ етиштириш учун жуда қулай. Хусусан, Норин тумани балиқчиликда, айниқса, Форель (халқ тилида — хонбалиқ) етиштиришда катта тажриба тўплаган.

Интилиш

Ноёб балиқлар турига кирувчи форелнинг парвариши учун ўзига хос иқлим, мўътадил ҳароратдаги сув ва бошқа қатор шарт-шароитлар керак. Норин дарёси имкониятлари инобатга олиниб, яқинда ишлаб чиқилган режага мувофиқ 84 та тик қудуқда йилга 8,5 минг тонна гўшт учун давлат-хусусий шериклик асосида интенсив усулда форель етиштириш режалаштирилган.

Норин туманидаги Хўжақўрғонча маҳалласида айнан шу усулда хонбалиқ парваришига киришилди.

— Форель ноёб балиқлар турига қиради, — дейди хўжақўрғончалик Нурилло Махмудов. — Унинг гўштини қуввати юқори бўлган фойдалли органик моддалар — фосфор, омега-3, омега-6 каби ёғ кислоталарига бой.

Унинг афзаллиги хотира сусайиши, юрак-қон томир ва асаб касалликларининг олдини олишда қўл келади. Талаб юқори, ўз навбатида, экспортга ҳам тортаришган балиқни ховлида интенсив усулда парваришлар орқали оилавий бизнесни йўлга қўйишга қарор қилдик. Ниятимиз — аҳоли дастурхонини хонбалиқ билан таъминлаш.

Форелни парваришлар усулини обдан ўрганган тадбиркор ишчи уйи томига 5 кВтли қуёш панелли ўрнатишдан бошлади. Кейин тик қудуқча мотор ўрнатиб, “бочка” усулида ховуз курди. Бошланғичда ташланган 1100 та чавок бугун балиқча айланмоқда. Бизнес режага кўра уч ойда ҳар бир балиқ бир килограмм, тўрт ойда 3,5-4,5 килограммгача вазн олади. Шу тариқа беш ойда 45 млн. сўмлик харажат қилиниб, 80 — 90 млн. сўмдан ошиқ даромад олинади.

Хуллас, соф даромад 40 млн. сўмдан ошади.

— Сувимизнинг мазкур ноёб балиқ парваришига мослиги бизга жуда қўл келди, — дейди “Хўжақўрғонча” МФЙ раиси Шохиста Султонова. — Ишни биринчилар қаторида бошлаган Нурилло Махмудов, Саидғани Жалоловдан ўрнатилган, яна эллик нафар фуқаро ховлисида мўъжаз ҳавза қуриш ва хонбалиқ боқиш қаракатига тушган. Уларнинг бизнес лойиҳасини вилоят тижорат банклари молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Бундан ташқари, бир нечта ҳовлиларда Африка лаққаси парваришини йўлга қўйиш мўъжаланган.

Эътиборлики, Нориндаги тажриба вилоятнинг бошқа ҳудудларидаги оилавий тадбиркорларга ҳам маъқул тушди. Уч-кўрғон, Ўйчи ва бошқа қатор туманларда хонбалиқ етиштириш билан шуғулланиш истагидаги фуқаролар сони кўпайиб бормоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

ТОМОРҚА — КИМГА ЗАҲМАТ, КИМГА ДАРОМАД

Ўн беш сотихли иссиқхонадан бир йилда ўртача қанча даромад олиш мумкин? Бу томорқачилик иш қўзини билишига боғлиқ, албатта. Бунга Пешку туманининг Ибн Сино номидаги маҳаллада яшовчи Мустақим Тошев хонадони яққол мисол.

Омилкорлик

— Биз ёзининг бошида ҳосилдан бўшган ерни чуқур шудгор қиламиз, — дейди оила аъзоси Мирхон Музаффаров. — Сўнг минерал ва маҳаллий ўғит билан тўйинтириб суғорамиз. Ер бир мўддат дам олади, кўч йиғади. Августдан экин-тикин ишларини бошлаймиз. Даромадга келсак, шу ўн беш сотих ердан бир йилда 400 миллион сўм атрофида фойда кўрпаймиз.

Оиланинг иссиқхонасини конвейерга қўйслаш мумкин. Ер у ёки бу экндан бўшган заҳоти боққаси униб, ҳосилга кира бошлайди. Карам, бодринг, помидор, баклажон, исмалок, саримсоқтиёз, қашинч, редискани бозорга чиқаришнинг ҳождати йўқ. Уларни иссиқхонанинг ўзидан улғуржи олиб кетишди. Бу ерда 7 та ишчи ўрни яратилган. Мавсум авж паллага кирган кезларда қўшни туманлардан ҳам ишчи

ёллашади. Қўнатиқлининг ҳадисини олишгани боис помидорнинг серхосил ва эртаги навлари қўнати етиштирилади. Боиси шундаки, унинг бозори чаккон. Худудимизда 1361 та оила мавжуд, — дейди маҳалла раиси Ўйгун Имомов. — Шуларнинг салкам мингтасида иссиқхона бор. Аксарияти уч қаватли полиэтилен плёнка билан қопланган. Бу иссиқлиқни зарур даражада сақлаш имконини беради. Фуқароларимизга келсак, улар ҳузуримизга моддий ёрдам эмас, ер сўраб келишади. Чўчки томорқачиликни пичоги мой устиди эканлигини ҳамма кўриб турибди.

Бир пайлар Пешку ўзининг шириндан-шакар қовунари билан донг таратган. Қўшни Вобкент, Гиждувон, Шофиркон деҳқон бозорларини уни жуда қадрлашган. Афсуски, иқлим ўзгариши, селекция ишларига эътиборнинг сустлиги Пешку қўвнчилиги шўҳратига соя солди. Лекин оққан дарё оқмай қол-

майди. Маҳаллада яшовчи Шўҳрат Фармоновга шу қовн шўҳратини қайта тиклаш орзуси тинчлик бермади. У ҳовлисидаги 12 сотихли иссиқхонада помидор, бодринг, баклажон қаторида қовн қўнати парваришини йўлга қўйди. Бу туманда эр-таги қовн етиштириш имкониятини берпапти. Томорқачилик айтишича, қўнати сони 500 минг тўпдан кам эмас. Қўнлар илиши билан буюртмачилар уни харид қилиб, очик майдонларга ўтказишади.

— Махсулотни етиштиришдан ташқари уни узоқ мўддат ситабил асраш ҳам муҳим саналади, — дейди маҳалла раиси. — Бу бозордаги нарх-навоми мўътадил сақлашга имкон беради. Худудимизда бу борада ҳам айтса арзиғулик ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, маҳалладошимиз Азизбек Турсунов икки камерали, бир пайтнинг ўзида 80 тонна махсулотни сақлаш қувватига эга музлаткичли омборхона қуриб ишга туширди. Бу ерда олима, узум, лимон каби махсулотлар захираси яратилган.

Истом ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).



Уларнинг умумий сийғими эса 1 млн. 254 минг тоннага етказилди. Бундай қўлайлиқлар ҳисобига дунё истеъмолчилари рақибониди қури-тилган мевалар тобора қамаймоқда. Бироқ мазкур омил майизга бўлган эҳтиёжни пайсантиргани йўқ, аксинча унга талаб янада ошяпти. Сабаби у озиқ-овқат санаятида кенг қўлланиладиган универсал махсулотларга эмас, балки тўйимли ва шифобахш неъмат ҳамдир.

Дарҳақиқат, майиз таркибида ўсимлик тоталари, калий, фосфор, кальций, магний, мис, темир, углевод, глюкоза моддалари, “В” ва “С” витаминлари мавжуд бўлиб, буларнинг бари инсон саломатлигини мустақамлаш, қўллаб қасалликларнинг олдини олишда катта ёрдам беради. Шу боис шифокорлар иммунитетни ошириш, камқонлиқни даволаш, суякларни мустақамлаш, терини яллиғлашш ва ультрабинафша нурларидан ҳимоялаш учун майиз истеъмол қилишни тавсия этадилар.

Тадқиқотларга кўра мунтазам майиз еб юрлса, қон босимни пасайиб, холестерин даражаси, юрак-қон томир касаллиқлари хавфи қамар экан. Майиздаги пребиотиклар ва фруктолигоса-харидлар эса ичак фаолиятини яхшилайди, йўғон ичак саратони хавфини бартараф этади. Шу боис ўз соғлиғига бефарқ бўлмаган кишилар кўндалик истеъмолида майиз алоҳида ўрин эгаллаган.

Жаҳон бозори талаби асосида

Юртимизда узум етиштириш ва майиз тайёрлаш бўйича бой тажриба, ўзига хос мактаб яратилган. Бугунги кунда қадимий боғдорчилик аъаналари замонавий технологиялар уйғунлигида янада тақомиллаштириллаётир. Пировардида махсулот етиштириш ва қайта ишлашда қўшимча қўлайлиқлар вуҷудга келяпти. Бундан, энг аввало, боғбонлар фойда кўраётгани диққатга сазовор, албатта.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, республикамизда барча тоифадаги хўжалиқларда жами 220,8 минг гектар тоқзорлар мавжуд бўлиб, шундан 141,9 минг гектари фермер, қишлоқ хўжалиги корхоналари, 78,9 минг гектари эса аҳоли, деҳқон хўжалиқлари улушига тўғри келади. Ушбу тоқзорларда ҳар йили ўртача 1,8 млн. тонна узум етиштирилади.

— Фермер хўжалиқларида мавжуд тоқзорларнинг 89,1 минг гектарини ҳўраки, 45,7 минг гектари кишимшоп, 7,1 минг гектарини санаятбон навлар ташкил қилади, — дейди Агросаноатни ривожлантириш агентлиги Санаятлашган интенсив бог ва узумзорларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Фахриддин Қирғизбоев. — Узум махсулотларига бўлган ички ва ташқи бозор талабини қондириш мақсадида биригина 2024 йилда 102,7 минг гектар майдонда янги тоқзорлар барпо этилди.

Шундан 32,2 минг гектари кейинги йилларда ўзлаштирилган янги ерларда, 26 минг гектари аҳоли томорқаларида, қолган қисми эса фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг дала четларида яратилди. Шунингдек, 23 минг гектардаги самарасиз тоқзорлар ўрнига серхосил қўнчалар экилди.

Айтиш жоизки, янги боғлар бунёд этишда худудларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос, айни пайтда, жаҳон бозорида талаб юқори узум навларини жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Масалан, майизбоп навлардан “Оқ кишимш”, “Қора кишимш”, “Кишимш Ботир”, “Кишимш ВІРА”, “Пушти кишимш” каби навлар катта майдонларга экиллаётгани туфайли яқин истиқболда майизбоп ҳосил миқдори ошиши кутилмоқда.

Қўшраборт неъматининг сир

Таҳлилларнинг кўрсатишича, республикамиз бўйича тайёрланган майизнинг 65 фоизи, яъни майиз экспортининг ҳам шунча қисми Самарқанд вилояти омилкор боғбонлари хиссасига тўғри келади. Ташқи бозорда, айниқса, Қўшраборт майизининг донги кетган. У фазогирлар томонидан қосмосга ҳам олиб кетилган, десак, ишонасизми?

Физиолог олим, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тақадими Бақриддин Зариповнинг гувоҳлик беришича, қўшрабортлик боғбонлар тайёрлаган майиз Москва шаҳ-

ридаги Тиббий-биология муаммолари институтида лаборатория текширувларидан ўтказилиб, қосмонавтларга ўзи билан қосмосга олиб чиқиб, истеъмол қилишга рухсат берилган.

— Мен туғилиб ўсган Қўшраборт тумани халқи азал-азалдан узум етиштириш ва майиз қилишининг ҳадисини олган, — дейди биология фанлари доктори Бақриддин Зарипов. — Майизчиликда Қўшраборт мактаби яратилганини хорижлик олимлар ҳам тан олишади. Айниқса, туманимизнинг Ҳасанбобо, Ёзбулоқ қишлоқларида тайёрланган майизларнинг жаҳонда тенги йўқ. Бунга анча йиллар бурун, аниқроғи, 1975 — 1985 йилларда Санкт-Петербург шаҳридаги академик И. П. Павлов номидаги физиология институтида номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлаш жараёнида амин бўлганман.

Илмий изланиш олиб бораётган пайтмда катта энам боғимизда етилган узумдан тайёрланган сара майизларни қизик халтачаларга солиб жўнатиб турарди. Катталиги жимжилоқдек келадиган ўта юмшоқ майизнинг мазаси устозим академик Александр Михайлович Уголевни қизиқтириб қолди. У Самарқанддан келган майиздан яқин дўсти ва ҳамқасби Тиббий-биология муаммолари интитуту раҳбари Олег Георгиевич Газенко, етук кардиолог, академик Евгений Иванович Чазовга улашди. Майизимизнинг ўткир шираси, ёқимли таъми уларни лол қолдирди. Бир неча марта лаборатория текширувидан ўтка-

зилиб, инсон соғлиғи учун ўта фойдалли неъмат эканлиги илмий жиҳатдан исботланди. Энг қизиги, унинг таркибида олтин молекуласи борлиги ҳам аниқланди.

Бугунги кунда узум ва майизни экспортга қарайётган давлатлар сони 55 тага етгани замирида ҳам ўзбек махсулотининг юқори сифати ва шифобахш хусусиятлари муассасам. Натижада 2025 йилнинг биринчи чорагида Хитой, Россия, Озарбайжон, БАА, Қозғистон, Ироқ, Беларусь, Бразилия, Грузия, Германия сингари мамлакатларга 6,2 млн. долларлик 9,4 минг тонна узум ҳамда 31,4 млн. долларлик 24,3 минг тонна майиз экспорт қилинди.

Илғор тажриба оммалаштирилади

Президентимизнинг шу йил 14 февралдаги “Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжалиқлари фаолиятида замонавий ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Фармони узумилиқни ривожлантириш, Ўзбекистон майизини дунёдаги энг хариддориги махсулотга айланатиш борасида муҳим қадам бўлди. Негаки, ушбу ҳужжатда жаҳон қуруқ мевалар бозоридаги сўнгги тенденциялардан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг рақобатбардор ўрнини мустақамлаш, боғбон-

ларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, майиз экспорти географиясини кенгайтиришда учраётган муаммоларни бартараф этиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Фармон ижроси доирасида Қўшраборт майизининг ўзига хос хусусиятлари, унинг халқаро бренд салохиятини кенг тарғиб қилиш, худуднинг майизчиликдаги илғор тажрибасини оммалаштириш ишлари бошлангани эътиборга молиқдир.

Гап шундаки, соҳани тузилмавий асосда ривожлантириш мақсадида Қўшраборт базавий туман этиб белгиланди. Бу ерда ўз таркибига Иштихон, Ургут ва Хатирчи туманларини ҳам қамраб олган “Qo’shrabot Agro Star” масъулияти чекланган жамиятига асос солинди.

Дастлабки маълумотларга кўра жамият қамровига киритилган туманлардаги кишимшбоп тоқзорларнинг умумий майдони 32 875 гектарга етказилди. Ушбу тоқзорлардан олинган ҳосилдан ҳар мавсумда ўртача 92 350 тонна майиз тайёрланиши ҳисоб-китоб қилинди. Бу республикадаги умумий майиз ҳажмининг 40 фоизига тенг.

“Qo’shrabot Agro Star” томонидан Халқ банки молиявий кўмағида замонавий агросаноат мажмуасини ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Мажмуа майизбоп узум етиштириш, қуришти, лаборатория синовларидан ўтказиш, қайта ишлаш-саралаш, сўнғ қадоқланган ҳолда миллий бренд остида экспорт қилиш каби майизчиликнинг барча босқичини ўз ичига олади.

Узумчиликдаги ана шундай янги ташаббус ва инвестициявий лойиҳалар қўллаб-қувватлашиб, фермер ва экспортчи тадбиркорлар халқаро талабларга мос фаолият юритишга рағбатлантириляпти. Бу эса пировардида ўзбек халқининг бағрикенглик, бирдамлик каби фазилатларининг тон маънода тисмолига айланган майизнинг бозорида муносиб жой эгаллашига хизмат қилади, албатта.

Санд РАҲМОН («Халқ сўзи»).

Кейинги икки йилда Сирдарё вилоятидаги 20 минг гектар ерни қайта фойдаланишга киритиш режалаштирилмоқда.

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.55 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6